

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

---

---

*Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК 330.8 (575.1)*

**Маҳсуталиев Абдусалом Ҳасанович**

**МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.01 – “Иқтисодий назария”

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун  
тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2010**

Диссертация иши Андижон мұхандислик-иктисодиёт институтида бажарилған.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори  
**Мұфтайдинов Қиёмиддин Ҳамдамович.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Шодмонов Шерқүл Шодмонович;**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Толаметова Зилола Абдуғаффаровна.**

**Етакчи ташкилот:** Республика ақоли бандлиги, мәжнатни мухофаза қилиш ва ақолини ижтимоий мухофаза қилиш илмий маркази

Химоя Тошкент молия институти ҳузуриданы Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигига иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д. 067.60.01 ракамли Бирлашган Ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000. Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси 60-А уй.

Диссертация билан Тошкент молия институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Бирлашган Ихтисослашган кенгаш илмий котиби, география фанлари номзоди, доцент**

**Ш.А. Азимов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мехнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мехнат бозори орқали мамлакатдаги ҳудудлар, корхоналар, тадбиркорлик субъектлари, фирмалар, фермер хўжаликларининг иқтисодий ривожланишига асос яратилади. Шунингдек, меҳнат бозори мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, барча иқтисодий ўзгаришлар унда ўз ифодасини топади.

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида меҳнат муносабатларининг изчиллик билан ислоҳ қилиниши, ишчи кучи таклифи ва талабини шакллантириш, меҳнат бозорини тартибга солиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш илмий аҳамиятга эга.

Мазкур масалани тадқиқ этишнинг яна бир жиҳати шундаки, бугунги кунда жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иктисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ўз таъсирини ўтказишини эътиборга оладиган бўлсак, халқаро иқтисодий интеграцияда фаол иштирок этаётган Ўзбекистон иқтисодиётига глобал жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзининг салбий таъсирларини камайишининг мақбул йўли меҳнат бозорини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишдан иборатdir.

Бинобарин, меҳнат бозорининг самарали амал қилиши иқтисодий номутаносиблик, молиявий тақчилликни бартараф этишга имкон беради. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов – “2009 йилда Инқизорзга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида гапирганда, уларнинг, аввало, энг муҳим масалаларга - янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга ўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур” – деб таъкидлайди.<sup>1</sup>

Глобал иқтисодий ўзгаришлар шароитида ана шу лойиҳаларни самарали амал қилиши, энг аввало, макроиктисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим бўғини бўлган меҳнат бозорини ривожлантиришни талаб этади. Тадқиқот ишида меҳнат бозори тушунчасига иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар моҳиятидан келиб чиқиб муаллифлик таърифини бериш, меҳнат бозорини функционал мақомини илмий асослаш, меҳнат бозорига таъсир этувчи омилларни кўрсатиб бериш, ишчи кучига талаб ва таклиф динамикаси асосида меҳнат бозорини прогнозлаштириш каби долзарб вазифа сифатида белгиланди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Меҳнат бозорини шаклланиши ва унинг фаолият кўрсатиши механизми билан дастлаб классик иқтисодчилар, неоклассиклар, Кейнсчилар, монетаризм ҳамда социал мактаб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз–ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / -Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б-48.

вакиллари жиддий тадқиқот олиб борганлар.<sup>2</sup> Хорижлик иқтисодчи олимлар А.А.Никифорова, Н.И.Задисенская, А.А.Гладченко, А.В.Чирковаларнинг илмий ишларида меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик, потенциал ишчи кучи ҳамда унинг меҳнат бозори муҳитига ўтказаётган таъсири масалалари тадқиқ этилган.<sup>3</sup>

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.А.Абдуғаниев, К.Х.Абдураҳмонов, Ш.Р.Ҳолмўминов, Х.П.Абулқосимов, Д.К.Балахонова, В.Муртазаев, М.Юлдашев, Н.Хўжаев, М.М.Мирзакаримова, А.Х.Зиявуддинова, А.П.Максакова, Д.И.Коштенкова, Д.Артиқова, Н.М.Хасанова, З.А.Толаметова, Г.А.Зуфарова, Ш.Х.Бобоназаровалар меҳнат бозорининг демографик жараёнлар билан боғлиқлиги, ишсизлик муаммоси, меҳнат бозоридаги сифат ўзгаришлари борасида илмий изланишлар олиб борганлар.<sup>4</sup>

А.А.Сотовдиев, Р.Т.Нуралиев, С.Пароеквопулос, Н.Шоюсупова, К.Х.Муфтайдинов, З.Р.Худайбердиев, Д.Д.Мехмоноваларнинг илмий ишларида эса меҳнат бозорини тартиба солишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ўрни масалалари таҳлил қилинган.<sup>5</sup>

Меҳнат бозорининг қишлоқ жойларида шаклланиши хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар М.Р.Ҳолмўминов томонидан ўрганилган<sup>6</sup>. Унда ишчи кучига талаб ва таклиф, аҳоли самарали бандлигининг шаклланиши, ишсизлик камайишининг энг мақбул варианти ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф орасидаги фарқнинг рационал миқдори ва тузилишини умумлаштирувчи асосий омил меҳнат бозори эканлиги ғоясини асослашга ҳаракат қилинган. А.Х.Зиявутдинованинг илмий ишларида эса меҳнат бозори сегментациясини тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратилган.<sup>7</sup>

<sup>2</sup> Маршал А. Принципы политической экономии. В. 3-т. 2-т., -М.: 1984 г.; Смит А. Исследование об природе и причинах богатства народов. М; 1962 г.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. пер. с анг. –М.: Иностранный литература. 1948 г.; Фридман М. О концепции М.Фридмана. США; Экономика, политика, идеология. 1992 г. -№ 6., -С. 9-12; Вебер М. Хозяйство и общество. –М.: 1989 г.; Вебер М. Избранные произведения. –М.: 1990 г.

<sup>3</sup> Никифорова А.А. Рынок труда: занятность и безработица. –М.: «Международные отношения», 1991. – 184 с.; Чиркова А.В. Системное исследование рынка труда в условиях переходной экономики. Межвузовский сборник научных статей. Часть 1. –Санкт-Петербург. 1995. –С.54.

<sup>4</sup> Абдуғаниев А., Толаметова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. –Т.: «Меҳнат», 1998. - 99 б.; Абдураҳманов К.Х., Шарифуллина Т.А. Экономика и социология труда. Учеб. пособие. - М.: Рос. экон. акад. 2002. - 264 с.; Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. - Т.: Меҳнат, 1999. - 98 б.; Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. -Т.: Молия, 2005. -79 б.; Ҳолмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. - Т.: Фан. 1996. - 196 с.; Мирзакаримова М.М. Рынок труда в экономике переходного периода и совершенствование механизма его функционирования. Автореферат дисс. на соискание ученой степени к.э.н. -Т., 1999. - 22 с.

<sup>5</sup> Сотовдиев А.А. Управление занятостью населения в Республике Узбекистан. Автореферат дисс. на соиск. ученой степень докт. экон. наук. – Санкт-Петербург. 1993. – 49 с.; Худайбердиев З.Р. Занятность трудоспособного населения сельской местности Узбекистана и влияние на неё малого и частного предпринимательства. Автореферат дисс. на соиск. ученый степень к.э.н., -Т.: 1997, –24 с.

<sup>6</sup> Ҳолмуминов Ш.Р., Балахонова Д.К., Муртазаев В. Рынок труда: проблемы формирования и регулирования. Издательство «Фан», -Т.: 1994. - 64 с.

<sup>7</sup> Зиявуддинова А.Х. Совершенствование системы подготовки экономических кадров в условиях развития рынка труда в Узбекистане. Автореферат дисс. на соиск. ученый степень канд. экон. наук –Т.: 1997, –21 с.

Иқтисодий адабиётларда меҳнат бозорининг шаклланиши ва уни бошқариш услубиётини такомиллаштириш масалалари аксарият ҳолларда алоҳида ўрганилган. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида меҳнат бозорининг амал қилиш механизми ва ривожланишида жиддий ўзгаришлар содир бўлиб, чуқур илмий изланишлар олиб боришни талаб этмоқда.

Тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблиги, илмий-амалий аҳамиятга эгалиги мазкур диссертация иши мавзусини танлашга асос бўлди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Андикон мухандислик-иқтисодиёт институти илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини оширишга ҳамда такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш талабларидан келиб чиқсан ҳолда, меҳнат бозори тушунчасига такомиллашган таъриф бериш;
- меҳнат бозори ишчи кучига талаб ва таклифни бошқариш воситаси эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида самарали бандликни таъминлашда меҳнат ресурслари ва меҳнат бозори ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;
- меҳнат бозори ривожланишининг минтақавий хусусиятларини аниқлаш;
- шаҳар ва қишлоқ жойларидағи меҳнат бозори ва уларнинг таркибий тузилмаларини қиёсий таҳлил этиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда ишсизликни камайтириш ва бандликни ошириш муаммосини ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини аниқлаш;
- янги иш ўринларини яратишнинг демографик, худудий ва экологик омилларининг меҳнат бозори билан боғлиқлигини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш;
- меҳнат бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқотлар ўтказиш ва унга асосланиб меҳнат бозорининг муқобил ривожланиш истиқболларини белгилаш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида меҳнат бозорининг амал қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг обьекти сифатида** миллий иқтисодиётдаги меҳнат бозорининг амал қилиш механизми танланди.

**Тадқиқотнинг предмети** меҳнат бозорининг шаклланиши ва амал қилиши жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Диссертация ишида илмий абстракция, индукция ва дедукция, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, статистик гурӯҳлаш, социологик сўровнома усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси:** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозори таркибий тузилишидаги ўзгаришлар истиқболини илмий таҳмин қилиш.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар қўйидагилардан иборат:**

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда меҳнат бозорини ривожлантиришнинг омиллари ва ўзига хос хусусиятлари аниқланди ва амалиётга тавсия этилди;
- меҳнат бозори шаклланишининг минтақавий хусусиятлари шу жумладан, шаҳар ва қишлоқ меҳнат бозорининг умумий томонлари ва ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлил этилди;
- меҳнат бозорини ривожлантиришга доир ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари асосида рационал бандликни таъминлаш механизми, услугбиятини такомиллаштиришнинг илмий ечимлари прогноз қилинди ва амалиётга тадбиқ этилди;
- меҳнат бозорини яқин истиқболда янада ривожлантиришга доир илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқот натижаларидағи илмий янгиликлар қўйидагиларда ўз аксини топган:

- “меҳнат бозори” иқтисодий категориясига такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;
- иқтисодиётни модернизациялаш давридаги меҳнат бозори шаклланишининг шарт-шароитлари ва омиллари илмий таҳлил этилган;
- республикамизда меҳнат бозорини ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари аниқланган;
- миллий иқтисодиётда меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари чуқур таҳлил этилган;
- ахолининг меҳнатда бандлигини оширишдаги меҳнат миграцияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни аниқланган;
- меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини оширишга ва меҳнат бозорини янада ривожлантиришга қаратилган илмий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишида олинган хulosалар ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда меҳнат бозорини ривожлантириш ва қишлоқ жойларида бандликни оширишга бағищланган келгусидаги маҳсус чуқур тадқиқ этишга бағищланган илмий тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши

материалларидан олий ўкув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Мехнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш», «Мехнат иқтисодиёти ва социологияси» фанларининг ўкув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишидаги иқтисодиётни модернизациялаш босқичида меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини оширишга бағишлиланган илмий хулоса ва амалий таклифлардан давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Андижон вилояти бош бошқармаси томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш ва прогнозлаштиришда (2008 йил 14 июндан 002/925-сонли маълумотнома) ва Андижон вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси (2008 йил 20 ноябрдаги 20/011-сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материаллари Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти томонидан (2010 йил 8 январдаги 12-сонли далолатнома) “Иқтисодиёт назарияси”, “Мехнат иқтисодиёти ва социологияси”, “Мехнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш” фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий ғоялар ва амалий натижалар муаллиф томонидан қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган: “Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг минтақавий муаммолари” (Фарғона, 2000), “Мафкуравий жараёнлар ва Ўзбекистонда фанлар ривожининг долзарб муаммолари” (Андижон, 2002), Ўзбекистон ёш иқтисодчилари тадқиқотлар танлови (Тошкент, 2004), Меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш (Тошкент, 2007), “Таълим тизимида талаба-ёшларнинг ғоявий-мафкуравий тарбияси ва уларнинг уйғунлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари”, “Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш” (Тошкент, 2007).

Диссертация иши Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти, Тошкент молия институти ҳузуридаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигига Д 067.60.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгашининг 08.00.01 – “Иқтисодий назария” ихтисослиги бўйича илмий семинари мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг натижалари бўйича умумий ҳажми 2,0 босма табоқдан иборат 14 та илмий мақола ва маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Тадқиқот ҳажми 155 бетдан иборат бўлиб, 32 та жадвал, 9 та расм ва 10 та иловани мужассамлаштирган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодий адабиётларда “мөхнат бозори”ни тадрижий ривожланишида турлича концептуал ёндошувлар мавжуд. Мөхнат бозорининг асоси ҳисобланган ишчи кучи, мөхнат муносабатлари, ишчи кучига талаб ва таклифнинг юзага келиши билан боғлиқ муаммолар классик мактаб намоёндалари А.Смит, Ж.Б.Сей, Т.Мальтус иқтисодий қарашларида баён этилган. Т.Мальтуснинг иш ҳақининг юқори бўлиши туғилишни ўстиради ва мөхнат бозорида ишчи кучи таклифини кескинлаштириб юборади деган фикрига, у ўз даври хусусияти ва иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиқиб, масалага устун даражада иқтисодий эмас, балки ижтимоий нуқтаи-назардан бир томонлама ёндошганлигини билдирилади.

Тадқиқот ишида иш ҳақининг мақбул (оптимал) меъёрларда ўсиши кишилар иқтисодий эҳтиёжларининг қондирилиши ва мөхнат унумдорлигини ошириш орқали самарали бандликка эришишга имкон бериши асосланган.

Диссертацияда мөхнат бозорининг ривожланиши жамият иқтисодий тизимининг такомиллашувига, кишилар турмуш даражасининг ошишига таъсирини тадқиқ этишга бағишланган назарий концептуал ёндошувлар тадқиқ этилиб, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида мөхнат бозорининг ўзига хос шакли бўлган “фирмалар ички мөхнат бозори” концепциясининг моҳияти очиб берилди.

Тадқиқот ишида россиялик иқтисодчи олимлар А.Федченко ва А.Бандеренколарнинг илмий асарларини чуқур ўрганиш асосида кичик бизнес ва фирмалар ички мөхнат бозори юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларидан миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш, фирмалар, хусусий тадбиркорлар фаолиятини самарали йўлга қўйишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисблайди. Шунингдек иқтисодий адабиётлардаги турли қарашларни тадқиқ этиш асосида мөхнат бозори тушунчасига такомиллашган муаллифлик таърифи берилган. Мөхнат бозори шаклланишининг муҳим асоси бўлган ишчи кучига бўлган талабнинг объектив асослари ва субъектив тамойилларининг ўзаро таъсири ва акс таъсири кўрсатилган.

Ана шу алоқадорлик асосида мөхнат бозорининг ташкилий-тузилмавий компонентлари бўлиб ҳисобланган мөхнатга талаб, мөхнат таклифи, ишчи кучи баҳоси каби тушунчаларга бозор иқтисодиёти қонуниятлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда таъриф берилган.

Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро алоқадорлигини тавсифловчи “Мөхнат бозори конъюнктураси”, “Мөхнат бозоридаги рақобат муҳити”, “Ишчи кучи бозори”, “Мөхнат заҳиралари бозори” тушунчаларининг умумий томонлари ва фарқли жиҳатлари асослаб берилган.

Тадқиқот ишида мамлакат мөхнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар чуқур таҳлил қилиниб,

2000-2009 йилларда ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабнинг ўзгариш динамикаси кўрсатиб берилган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Республикада ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабнинг ўзгариш кўрсаткичлари<sup>8</sup>

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Ишчи кучи таклифи	100,0	109,8	106,4	102,2	100,9	97,4	92,9	120,4	123,3	121,8
Талаб	100,0	112,2	113,5	111,6	113,5	114,3	112,6	116,5	109,4	112,9
шу жумладан										
Кондирилган талаб	100,0	113,4	114,8	113,1	115,4	115,9	114,3	117,3	112,8	115,0
Кондирилмаган талаб	100,0	111,2	100,4	96,3	94,1	98,5	94,8	86,2	83,6	81,9

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, меҳнат бозори коныюнктураси ва бандликка ишчи кучига талаб ва унинг таклифи миқдор, таркибий жиҳатдан мос келиши учун ташкилий-иктисодий тадбирлар тизимини ўз ичига олган давлатнинг бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш зарурияти мавжуд.

Ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг миқдор ва сифат жиҳатидан мутаносиблигига эришиш;
- қишлоқ жойларида аграр соҳадан ташқари бошқа тармоқларда меҳнат таклифининг шаклланиб боришини жадаллаштириш асосида қишлоқ ахолиси учун қўшимча иш ўринларини яратиш;
- меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талабдан келиб чиқиб, кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш.

Тадқиқот натижаларига қўра, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, шу жумладан саноат корхоналарининг 4-6 фоизга ихтисослаштирилиши республика миқёсида 80-85 минг кишининг ишсиз қолишига, бу эса ўз навбатида заҳирадаги ишсизлар ҳисобига меҳнат ресурслари сонининг ўсишига олиб келмоқда. Республикамизда амал қилаётган расмий меҳнат бозорининг муҳим хусусиятларидан бири, ундаги ёшлар салмоғининг катталиги ҳисобланади.

Меҳнат бозорининг муайян қисмини касбий маълумоти йўқ ёки маълумоти юқори бўлмаган кишилар ташкил этиб, улар яширин меҳнат бозорини шаклланишига олиб келади. Яширин меҳнат бозори ўз навбатида ахолини солиқ солинмайдиган даромадларини ортишига сабаб бўлади.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Тадқиқот ишида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати ва мутаносиблигини таъминлаш муаммоси республикамиздаги жорий меҳнат бозоридаги ҳолатни чуқур таҳлил этиш асосида ўрганилган.

Жорий меҳнат бозорининг асосий индикаторлари ўрганилиб, уларнинг ўзгариш тенденциялари асослаб берилган.

Ўзбекистондаги амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиқиб, меҳнат бозори шаклланишига фаол таъсир кўрсатувчи қуйидаги омиллар аниқланган:

- мамлакатдаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги;
- мулкчилик шакллари бўйича бандлик таркибининг ўзгариши;
- иқтисодиётда юз бераётган таркибий ўзгаришлар;
- норасмий секторда банд бўлганларнинг мавжудлиги.

Диссертацияда меҳнат бозоридаги ўзгаришлар баъзи ҳолатларда ижтимоий-сиёсий омилларга боғлиқ ҳолда содир бўлишини, миллий-этник омиллар нисбатан яширин маҳаллий меҳнат бозорининг шаклланишига шароит яратадиги мумкинлигини асослашга ҳаракат қилган.

Тадқиқот ишида меҳнат бозори ривожланиши тенденциясига иқтисодий омиллар билан бир қаторда психологик омилларнинг таъсири катта эканлиги кўрсатиб берилган ва иқтисодий назария терминалогиясига “Меҳнат бозори инерцияси” деган тушунча киритилган.


Ишда меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанати маълум давр мобайнида ишлаб чиқаришнинг кўлами, унинг таркиби ва тараққиёт даражаси, меҳнат ресурсларининг сони, уларнинг таркиби, ишчи кучининг малака ва иқтисодий фаоллигига боғлиқлиги тадқиқ этилиб, аҳолиси зич жойлашган Андижон вилоятидаги меҳнат ресурслари ва аҳолини иш билан бандлиги динамикаси мисолида қўйилган масаланинг моҳияти ёритилган (1-расм).

Таҳлилларнинг далолат беришича, меҳнат бозори, бозор муносабатлари тизимидағи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мажмуюи сифатида амал қиласди.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар асосида меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёни кўрсатилган. Бу қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар жамиятимиз аъзоларининг ёши, жинси, саломатлиги, шахсий ва оилавий аҳволи, билим ва касб-малака даражаси, қизиқиши, шахсий манфаати ва қадриятларини идрок этиши ҳамда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий конъюнктура ўзгаришларини эътиборга олиб, ижтимоий фойдали меҳнатнинг тури, соҳаси, унда иштирок этиш меъёрини ва шаклини ўзлари эркин танлаш имкониятига эга эканликларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади.

Тадқиқот ишида мамлакат аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорини тартибга солиш ва такомиллаштириш,

халқнинг тарихий анъаналари ва удумларига мос келувчи ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш асосида аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишда Президентимиз И.А. Каримовнинг “Касаначиликни ривожлантириш ва аҳолининг муҳтож қатламларини, ижтимоий мададга муҳтож оиласарни чорва моллари билан таъминлаш ҳақида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этаётганлиги, шу жумладан, қишлоқ меҳнат бозорларини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда амалий кўмак беряётгани таҳлилий кўрсаткичлар асосида ёритилган. Ишда аҳолини иш билан таъминлашга доир қонунлар ва меъёрий-хужжатлар ижросини самарадорлиги оширишга қаратилган илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган. Меҳнат бозори ва бандликни таъминлашнинг минтақавий хусусиятлари тадқиқ этилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёsat туфайли меҳнат бозорининг таркибий тузилишида, бандликни таъминлашда туб сифат ўзгаришлари содир бўлаётганлиги кўрсатилган.



1-расм. Жорий меҳнат бозоридаги асосий кўрсаткичлар<sup>9</sup>

Республикадаги мавжуд меҳнат ресурслари, минтақалардаги демографик ҳолат, аҳоли зичлиги, ҳар бир минтақанинг ишлаб чиқариш, саноат, транспорт тизими, географик жойлашиши, имкониятларга эгалиги боис бу минтақалардаги ишчи қучига талаб ва таклиф даражасида муайян

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси материаллари асосида муаллиф томонидан тузилган.

фарқлар мавжуд бўлиб, булар бандликни таъминлашда ўзига хос муаммоларни юзага келтирмоқда.

Иқтисодий адабиётларда бандликка берилган таърифларни ўрганиш ва ўзаро қиёслаш асосида бандлик тушунчасига такомиллашган ёндашув берилган.

Бандлик–мехнатга лаёқатли кишиларнинг муайян иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган ижтимоий фойдали фаолиятидир.

Тадқиқот ишида БМТнинг иқтисодий тадқиқотлар маркази таҳлилий материалларига таяниб, ишчи кучи бандлигини ҳудудлар бўйича тақсимланишини кўрсатиб берган. Таҳлиллар натижасига кўра, энг юқори бандлик даражасига эга бўлган (77,1 фоиз) биринчи гурух вилоятларига Андижон, Фарғона, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри киради. Мазкур вилоятлардаги аҳолининг бандлиги ва турмуш даражаси таҳлил этилганда ижтимоий муҳтож оиласалар ушбу гуруҳда 7,1 фоизни ташкил этган.<sup>10</sup>

Иккинчи гурух вилоятларида (Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Сирдарё) бандлик даражаси 75,0 фоизни ташкил этиб, ижтимоий муҳтож оиласалар барча ўрганилган оиласаларнинг 11,8 фоизига teng бўлган.

Учинчи гурух вилоятларида (Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё, Наманган, Хоразм) бандлик энг паст даражада (67,7 фоиз) ижтимоий муҳтож оиласалар ҳиссаси эса юқори бўлиб, 18,4 фоизни ташкил этган.<sup>11</sup>

Тадқиқот давомида шу нарса аниқландики, мамлакат ҳудудлари бўйича бандлик тақсимоти ишлаб чиқариш кучлари ва мавжуд аҳоли миқдорини акс эттириб, иш билан бандликнинг нисбатан юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри, Фарғона, Самарқанд ва Андижон вилоятларига тўғри келади.

Ушбу ҳолат асосида мазкур вилоятларда енгил ва машинасозлик саноати, уларнинг тармоқлари ва ишлаб чиқариш корхоналари мунтазам ривожланиб борамоқда деган хулоса берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг мамлакатимиз вилоятлари бўйича иш билан бандлар тақсимотига оид 2009 йил маълумотлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди (2-жадвал).

Келтирилган маълумотларни ҳисобга олиб, худудий бандлик муаммосини ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиша ҳар бир худудда юзага келган меҳнат бозори хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Тадқиқот ишида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини меҳнат бозорини бошқариш, бандликни таъминлаш ва тартибга солишдаги ўрни ҳам асосланган. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда. 2009 йил мобайнида юртимизда 940 мингдан зиёд, жумладан, кичик бизнес соҳасида –

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

391,8 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 270 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 130 мингта янги иш ўрни яратилди.<sup>12</sup>

## 2-жадвал Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича бандларнинг тақсимоти<sup>13</sup>

№	Худудлар	Жами (минг киши)		Умумий иш билан бандларга нисбатан, (%)		Мулкчилик шакллари бўйича			
		2000 й.	2009 й.	2000 й.	2009 й.	Давлат	Нодавлат	2000 й.	2009 й.
1.	Ўзбекистон Республикаси	8983,0	11315,5	100	126	24,0	21,4	76,0	78,6
2.	Қорақалпгистон Республикаси	489,0	570,2	5,4	5,0	28,6	15,1	71,0	84,9
3.	Андижон вилояти	838,0	1076,4	9,3	9,5	17,7	5,1	82,0	94,9
4.	Бухоро вилояти	591,0	748,0	6,6	6,6	21,3	13,3	78,7	86,7
5.	Жizzах вилояти	295,0	369,5	3,2	3,3	25,1	27,4	74,9	72,6
6.	Қашқадарё вилояти	725,0	934,3	8,2	8,3	23,8	8,9	76,2	91,1
7.	Навоий вилояти	315,8	408,0	3,5	3,6	42,1	29,4	57,9	70,6
8.	Наманган вилояти	609,0	784,7	6,8	6,9	21,8	13,4	78,2	86,6
9.	Самарқанд вилояти	913,5	1185,4	10,2	10,5	22,7	18,5	77,3	81,5
10.	Сурхондарё вилояти	577,0	742,6	6,4	6,6	18,6	6,2	81,4	93,8
11.	Сирдарё вилояти	246,0	312,1	2,7	2,8	23,7	20,7	76,3	79,3
12.	Тошкент вилояти	895,5	1125,0	10,0	9,9	21,4	8,2	78,6	91,8
13.	Фарғона вилояти	1023	1315,8	11,4	11,6	19,8	9,4	80,2	90,6
14.	Хоразм вилояти	460,0	586,4	5,1	5,2	24,7	18,9	75,2	81,1
15.	Тошкент шаҳри	1005,2	1157,9	11,2	10,2	35,0	18,4	65,0	81,6

Тадқиқот ишида 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини янада оширишдаги худудий меҳнат бозорларини ўрни норасмий меҳнат бозоридаги ҳолатлар моҳиятидан келиб чиқиб, тадқиқот ишида меҳнат миграцияси, унинг шакллари, ички ва ташқи омилларини илмий назарий жиҳатдан тадқиқ этган.

Миграция тушунчаси, шу жумладан, ички ва ташқи миграция, доимий миграция, мавсумий миграция ва тебранма (маятниксимон) миграциянинг юзага келиш сабаблари, миграцион жараёнларнинг меҳнат бозори шаклланишидаги ўрни асослаб берилган.

Меҳнат миграциясини аҳоли зич жойлашган ҳудудларда жонлантириш, меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш мақсадида бу ҳудудларда аҳолининг миграцияга мойиллигини ўрганиш ҳамда аҳоли сийрак жойлашган

<sup>12</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз–ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришdir / -Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б-48-49.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

худудларда ишчи кучига бўлган талабни аниқлаш юзасидан қарашлар илгари сурилган.

Тадқиқотда аҳолининг қишлоқ ва шаҳар худудлари ўртасидаги алмашуви долзарб масала эканлиги, қишлоқдан шаҳарга аҳолининг ҳаракати кўп функцияли характерга эгалиги, уни мақбул вариантдаги ечимини топиш, қишлоқ аҳолисини фаоллаштиришга, шаҳарларда меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондиришга ва республика бўйлаб ишчи кучининг қайта тақсимланишига қўшимча имкониятлар яратилиши асосланди.

Тадқиқот ишида ишчи кучи трансформациясининг объектив ва субъектив омиллари, унинг бозор муносабатлари шароитида намоён бўлиш шакллари, миграцион жараёнга тортилган аҳолининг ёш таркиби, малакаси, жинси, уларнинг меҳнатга лаёқатлилиги каби масалалар ҳам ўрганилган.

Республиканинг халқаро ишчи кучи миграциясида фаол иштироки, унинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига олиб келишининг иқтисодий афзалликлари, шу жумладан, маҳаллий ишчи кучи бозорида маълум даражада талаб ва таклиф мувозанатининг юзага келишини таҳлилий ишланмалар асосида кўрсатиб берилган.

Диссертация ишида миграцион жараёнларнинг барча шакларини қонун доирасида тартибга солиш зарурлиги, ёшлар бандлигини йўлга қўйишида ички ва ташқи миграцияга сабаб бўлувчи омилларни тадқиқ этиб бориши лозимлиги асосланиб, меҳнат бозорининг миграцион жиҳатларини тартибга солишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида мамлакатда ишчи ва мутахассислар ҳамда таълим хизматлари бўйича меҳнат бозори шаклланиш тенденцияси кучаяётганлиги аниқланган. Ушбу долзарб масала кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ эканлиги, ана шу мақсадда, олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатдан ўзгартириш, мутахассисликларни меҳнат бозори талабларига мослаштириш зарурлигини кўрсатиб берилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини олий ўқув юртлари томонидан тайёрланадиган кадрларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжи<sup>14</sup>

Соҳалар	2008-2009 ўқув йили қабул режаси, (минг киши)	2010-2015 йилларда кадрларга бўлган эҳтиёжнинг прогнози	
		2010 йил	2015 йил
Хизмат кўрсатиш ва сервис	1699	1651	1725
Нефть ва газ саноати	650	621	670
Кимё саноати	425	409	420
Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати	239	229	250
Енгил саноат	715	690	767
Ахборот ва алоқа	681	650	748
Қурилиш	1153	1114	1213
Гўшт-сут	30	30	45

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил бўйича ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилган.

Меҳнат бозорини шаклланишининг миллий хусусиятларидан, кадрлар тайёрлаш тизимини замон талабига мос равишда, жаҳон андозаларига жавоб берга оладиган тарзда такомиллаштириб бориш учун касб-хунар танлашда ёшларга кўмаклашувчи, уларга психологик ва педагогик жиҳатдан маслаҳатлар берувчи, ахборот билан таъминловчи маҳсус марказлар ташкил этишга қаратилган кадрларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжлар гипотезаси таҳлил қилинган.

Меҳнат бозори талаби асосида касбга йўналтириш, кадрлар заҳирасини яратиш, таълим хизмати ва сервис соҳасини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишга хорижий инвестициялар кўламини кенгайтириш зарурлиги кўрсатилган. Меҳнат бозорини тартибга солиш ва уни ривожлантиришнинг истиқболлари ўрганилган, меҳнат бозорини прогнозлаштириш зарурияти, унинг умумиқтисодий жиҳатлари ва ишсизликнинг потенциал миқдорини аниқлашдаги роли асосланган.

Меҳнат бозорида мониторинг тизимини шакллантиришда қуидаги таркибий тузилмани таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга:

- ёшлар меҳнат бозори;
- аёллар меҳнат бозори;
- касбий меҳнат бозори.

Меҳнат бозорини баҳолашда республика ва унинг худудларидаги ижтимоий-иқтисодий, демографик омилларни ўзида мужассамлаштирган иқтисодий кўрсаткичлар ётади. Меҳнат бозорини прогнозлаштиришнинг минимал ва максимал даражасини ўзаро уйғуллаштириш ва жойлардаги бандлик хизмати ходимлари томонидан худудий меҳнат бозоридаги вазиятни ўрганиш ва истиқболда меҳнат бозорини тартибга солишда ушбу даражалар мутаносиблигини таъминлашни йўлга қўйиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги меҳнат бозорини тадқиқ этиш натижалари асосида қуидаги илмий **хулосалар** олинди:

1. Меҳнат бозори – меҳнат ресурсларининг меҳнат қилиш қобилиятини сотиш ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ишчи қучининг меҳнат қилиш қобилиятини сотиб олишни амалга оширадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини ифодаловчи бозордир. Меҳнат бозорини оқилона шакллантиришнинг муҳим шарти меҳнат ресурслари билан иш жойлари ўртасидаги ўзаро мутаносиблигни таъминлашдир. Меҳнат бозорида нисбатан ортиқча ишчи кучи таклифининг мавжуд бўлишига қарамасдан бўш иш ўринлари мавжуд. Тадқиқотлар бўш иш ўринлари сақланиб қолишининг асосий сабаби иш ҳақи даражасининг пастлиги ва ишчи қучининг мавжуд таклифига нисбатан талабнинг ортиқчалиги эканлигини кўрсатди.

2. Яширин меҳнат бозори аҳоли солиқ солинмайдиган даромадларининг ошишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатни бартараф этиш учун яширин меҳнат бозорини очиқ бозорга айлантириш механизмини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу вазифани амалга ошириш жойлардаги меҳнат ва бандлик бўлимлари фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш, шароит тақозосига кўра уларнинг таъсир даражаларини кенгайтириш “яширин тадбиркорлик” билан шуғулланаётганларни мунтазам қайд этиб бориш ва уларнинг назоратини кучайтириш имконини беради.

3. Республикадаги мавжуд меҳнат ресурслари, минтақалардаги демографик ҳолат, аҳоли зичлиги, ҳар бир минтақанинг ишлаб чиқариши, транспорт тизими, географик жойлашиши ўзига хос тарзда шаклланганлиги боис, бу минтақаларда ишчи қучига талаб ва таклиф даражасида ҳам муайян фарқлар мавжуд бўлиши, бу ҳолат бандликни таъминлашда ўзига хос қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Ишчи қучига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олиш ва тартибга солиши асосида меҳнат бозорида меҳнат ресурслари ва бандлик шакллари бўйича тақсимлаш механизми вазифасини бажаради.

4. Тахлилларимизнинг кўрсатишича, минтақавий бандлик муаммоси демографик вазиятга устун даражада боғлиқдир. Андижон вилоятидаги демографик омилнинг меҳнат бозоридаги вазиятга, бандлик ҳолатига таъсири ўрганилганда вилоятнинг меҳнат ресурслари сони юқори даражада эканлиги аниқланди.

5. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти миллий моделининг шаклланиши, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, замонавий технологияларни жадаллик билан ўзлаштириш ва рақобатбардош маҳсулотлар орқали жаҳон бозорига чиқиш мамлакатда ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишни талаб этади. Табиийки, ушбу ҳолат бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали рақобатбардош мутахассисларга бўлган талабни ҳам оширади.

6. Бозор муносабатлари меҳнат жараёнига таъсир этгани ҳолда кадрларнинг касбий-техник ва умумтаълим даражасини оширишни талаб қиласиди.

7. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизозини чукурлашув ва глобаллашуви шароитида унинг салбий таъсирларини бартараф этиш учун меҳнат бозорини прогнозлаштириш бандлик хизматлари дастурини амалга оширувчи омиллар ва маблағлар ҳажмини, манбаларини аниқлаш, минтақавий бандлик сиёсатининг истиқболдаги вазифаларини аниқлаб олиш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш ва бартараф этиш, фуқароларнинг бандлик соҳасидаги ижтимоий кафолатларини таъминлаш механизмини такомиллаштириб бориш зарур. Шунингдек, давлат ва нодавлат секторида бўш–вакант ишчи ўринларини аниқлаш жараёни ҳам прогнозлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу хуросаларга асосланиб, диссертация ишида қуйидаги илмий **таклиф** ва амалий **тавсиялар** ишлаб чиқылган:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меңнат бозорини тақомиллаштириш асосида республикамиздаги меңнатта лаёқатли ахолини иш билан бандлигининг самарали моделини шакллантириш асосида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мутаносиблигига эришилди, меңнат бозорида фаол сиёsat юритиш амалиёти тақомиллаштирилди.

2. Меңнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг хуқуқий ва иқтисодий имкониятларини янада кенгайтириш, ишчи кучига бўлган талабни иқтисодий ва хуқуқий воситалар орқали тартибга солиш лозим.

3. Президентимиз И.А.Каримовнинг ахоли бандлигини оширишга бағишлиган Фармонлари ва Ҳукумат Қарорлари асосида касаначиликни ривожлантириш, ижтимоий муҳтож оиласарни чорва моллари билан таъминлаш асосида уларни уй хўжалигидаги фойдали меңнатта жалб қилиш орқали меңнат бозоридаги вазиятни мўътадиллаштиришга эришиш мумкин ҳамда меңнат бозорига таъсир кўрсатувчи миграцион ҳаракатнинг йўналишини умумдавлат миқёсида тартибга солиш лозим.

4. Давлат томонидан меңнат бозорини самарали тартибга солиш, яъни ишловчиларнинг ҳудудий ҳаракатчанлигини, миграция жараёнини қўллаб-куватлаш зарур. Шу мақсадда, барқарор ривожланаётган ва ишчи кучи етишмаётган ҳудудларга меңнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлардан уларнинг кўчиб ўтишига шароит яратиш мақсадга мувофиқ.

5. Ташқи ва ички миграциянинг мониторингини амалга ошириш орқали банд бўлганлар сонини акс эттирувчи доимий рўйхатини юритиш, норасмий миграцияларнинг олдини олиш ва қонуний асосларда уларни тартибга солиш лозим.

6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури доирасида бандлик масалалари бўйича текширув дастурини миллий ҳисоб тизими доирасида ва халқаро қоидаларга мувофиқ, норасмий сектордаги банд бўлган барча тоифаларни ҳам қамраб олган ҳолда тақомиллаштириш зарур ҳамда вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази орқали банд бўлган хизматчи аёл ва эркакларни бандлигининг қонуний асосларини янада тақомиллаштириш керак.

7. Меңнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш талаб этилади.

8. Меңнат бозорини мунтазам прогнозлаштириш асосида, меңнат ресурсларини иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам берувчи тармоқлараро баланслар (ТАБ) тузиш ҳолатини таҳлил қилиш лозим.

9. Меңнат бозорини ривожлантириш омилларини прогнозлаштириш илмий-назарий ва амалий-услубий асосларини тақомиллаштириш орқали ишсизликни камайтириш ва ахолининг иш билан бандлигини

таъминлашнинг самарали механизмини яратиш ва унинг узлуксиз амал қилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Маҳсуталиев А.Х. Мехнат ресурсларининг бандлиги муаммоси ва меҳнат бозорининг шаклланиши хусусида // Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг минтақавий муаммолари: халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Фарғона, 2000. –Б.147-149.
2. Маҳсуталиев А.Х. Янгиланаётган жамият, эркин иқтисодиёт ва аҳоли бандлиги // Талабалик йилларим. – Андижон, 2002. – №19. –Б. 3.
3. Маҳсуталиев А.Х. Қишлоқда бандликни таъминлаш стратегияси ва устунликлари // Мафкуравий жараёнлар ва Ўзбекистонда фанлар ривожининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2002. –Б.78-79.
4. Маҳсуталиев А.Х. Мехнат бозорига янгича назарий-таҳлилий қараш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2002. –№12. –Б.62-63.
5. Маҳсуталиев А.Х. К вопросу о прогнозировании рынка труда в регионах Узбекистана //Актуальные проблемы современной науки. – Москва, 2003. –С.50-53.
6. Маҳсуталиев А.Х. Мехнат бозорида ёшлар фаоллиги // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2003. – №74. –Б.44.
7. Маҳсуталиев А.Х. Ислоҳотлар таракқиётга хизмат қилсин // Мулоқот. – Тошкент, 2003. – №2. –Б.35-36.
8. Маҳсуталиев А.Х. Мехнат бозори ва бандлик // Ўзбекистон ёш иқтисодчилари тадқиқотлар танлови // Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази, Anglessfood компанияси, “Камолот” ЁИХ. – Тошкент, 2004. –Б.191-207
9. Маҳсуталиев А.Х., Азимов Ш. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишли таъминлашда меҳнат бозорини бошқаришнинг ўрни ва аҳамияти // Илмий журнал. – Фарғона, 2007. – №12. –Б.8-9.
10. Маҳсуталиев А.Х. Ишчи кучи салоҳиятидан фойдаланиш ва янгича иқтисодий тафаккурни шаклланишида мафкуравий тарбия // Таълим тизимида талаба-ёшларнинг ғоявий-мафкуравий тарбияси ва уларнинг уйғунлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2007. –Б.159-161.
11. Маҳсуталиев А.Х. Янгича иқтисодий тафаккур ва замонавий меҳнат бозорини шакллантиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш: илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007. – Б.91-93.
12. Маҳсуталиев А.Х., Қутлиқов М.Ж. Ижтимоий ҳимояга демографик омилларнинг таъсири // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш

шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш: илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007. – Б.149-152.

13. Маҳсуталиев А.Х. Меҳнат бозорини самарали тартибга солишнинг устувор йўналишлари //Андижон мұхандислик-иктисодиёт институти ташкил топғанлигининг 15 йиллигига бағишиланган “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида республика иқтисодиёти муаммолари ва ечимлари” республика илмий-амалий ва техник анжумани. – Андижон, 2010. – Б. 80–85.

14. Маҳсуталиев А.Х., Юнусов Ш. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз шароитида - миграцион жараёнлар // Андижон мұхандислик-иктисодиёт институти ташкил топғанлигининг 15 йиллигига бағишиланган “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида республика иқтисодиёти муаммолари ва ечимлари” республика илмий-амалий ва техник анжумани. – Андижон, 2010. – Б. 86–90.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Махсуталиев Абдусалом Ҳасановичнинг 08.00.01 – «Иқтисодий назария» ихтинослиги бўйича “Меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш йўналишлари” мавзусидаги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** меҳнат бозори, ишчи кучи, бандлик, бозор сегментацияси, меҳнат бозори инерцияси, ишсизлик, эгилувчан меҳнат бозори, меҳнат бозори коњюнктураси, прогнозлаштириш, даромад, иш ҳақи, расмий меҳнат бозори, норасмий меҳнат бозори ва яширин меҳнат бозори, жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори.

**Тадқиқот обьекти:** Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги меҳнат бозорининг амал қилиш механизми.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини оширишга хамда такомиллаштиришга қаратилган илмий хуносалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** илмий абстракция, индукция ва дедукция, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, статистик, социологик сўровнома.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** “меҳнат бозори” иқтисодий категориясига такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган; иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар аниқланган; республикамиизда меҳнат бозори ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари очиб берилган; миллий иқтисодиётда меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишнинг босқичлари чуқур таҳлил этилган; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, ишчи кучи миграциясининг аҳолининг меҳнатда бандлигини оширишдаги роли аниқланган; меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш ва уни янада ривожлантиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** Тадқиқот жараёнда олинган натижалар ва таклифлардан меҳнат бозорининг амал қилиши самарадорлигини оширишга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Диссертация иши материалларидан олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш», «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишида фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Тадқиқотнинг натижалари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Андижон вилояти бош бошқармаси томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш ва прогнозлаштириш, Андижон вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материаллари Андижон мухандислик-иқтисодиёт институтида “Иқтисодиёт назарияси”, “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”, “Меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш” фанларини ўқитишида фойдаланилмоқда.

**Кўлланилиш соҳаси:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Махсуталиева Абдусалома Хасановича на тему: «Направления повышения эффективности механизма действия рынка труда» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.01 – «Экономическая теория»

**Ключевые слова:** рынок труда, рабочая сила, занятость, сегментация рынка, инерция рынка труда, безработица, эластичный рынок труда, конъюнктура рынка труда, прогнозирование, доход, заработка плата, официальный рынок труда, неформальный рынок труда, нелегальный рынок труда, мировой финансово-экономический кризис.

**Объект исследования:** механизм действия рынка труда в национальной экономике Узбекистана.

**Цель работы:** разработка научных выводов и практических предложений, направленных на повышение эффективности и совершенствование механизма действия рынка труда в условиях модернизации экономики.

**Методы исследования:** научная абстракция, индукция и дедукция, логический, сравнительный анализ, статистический, социологический опрос.

**Полученные результаты и их новизна:** разработано усовершенствованное авторское определение на экономическую категорию «рынок труда»; выявлены факторы, влияющие на формирование и развитие рынка труда в период углубления экономических реформ; раскрыты региональные особенности развития рынка труда и его инфраструктуры в республике; глубоко проанализированы этапы формирования и развития рынка труда в национальной экономике; выявлена роль малого бизнеса и частного предпринимательства, миграции рабочей силы в повышении трудовой занятости населения; разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на повышение эффективности механизма действия рынка труда и его дальнейшего развития.

**Практическая значимость:** полученные результаты и предложения в ходе исследования могут быть использованы при разработке целевых государственных программ, направленных на повышение эффективности механизма действия рынка труда.

Материалы диссертационной работы также могут быть использованы в преподавании и совершенствовании учебных программ курсов «Экономическая теория», «Рынок труда и социальная защита населения», «Экономика и социология труда» в высших учебных заведениях.

**Степень внедрения и экономическая эффективность.** Результаты и предложения, содержащиеся в исследовании, приняты к использованию Главным управлением труда и социальной защиты населения Андижанской области и Главным управлением экономики Андижанской области. Материалы исследования используются в преподавании курсов «Экономическая теория», «Экономика и социология труда», «Рынок труда и социальная защита населения» в Андижанском инженерно-экономическом институте.

**Область применения:** Министерство труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан, Министерство экономики и высшие учебные заведения.

## RESUME

**Thesis of Mahsutaliev Abdusalom Khasanovich on the scientific degree competition of the candidate of economic sciences in the specialty 08.00.01 – «Economic theory» subject: “The main trends of the development of labour market in the conditions of modernization of economy”**

**Key words:** labour market, labour force, employment, market segmentation, momentum of labour market, unemployment, elastic labour market, conjuncture of labour market, prediction, income, wages, formal labour market, informal labour market, legal labour market.

**Subject of the inquiry:** labour market of the Uzbekistan national economy.

**Aim of the inquiry:** to elaborate scientifically-substantiated and practically acceptable recommendations in developing and raising the efficiency of labour market in the stage of modernization of economy.

**Methodology and methods of inquiry:** abstraction, specification, logical sequence, system analysis, statistics, social survey and other methods of research.

**The results achieved and their novelty:** a new scientific and theoretical definition of the economic category of “labour market” based on its social and economic essence was given; a scientific and theoretical analysis of factors and conditions holding a particular place in the formation of labour market in the period of modernization of economy was made; the essence of regional peculiarities of the development of labour market and its infrastructure was disclosed; the state of labour market formation based on statistical data on macro level was analyzed; scientific and theoretical substantiation of the importance of labour migration, small business and private entrepreneurship in raising the employment was carried out; theoretical conclusions, practical recommendations with respect to the methods of the efficient management of labour market on the basis of sociological research were worked out; scientific and theoretical analysis of the regional labour markets taking into account their economic, regional and demographic conditions was conducted.

**Practical value:** theoretical conclusions, scientific developments validated in the work can be used in defining the prospects of factors of labour market formation, in raising the efficiency of using labour force in sustainable development of economy. It is recommended that the results of work in fundamental investigations of employment, problems of labour market, in delivering lectures and conducting practicals in “Economic theory”, “Labour market and social security of the population”, “Economy and sociology of labour” be used.

In addition, the results can be used during agitation and explanatory activities in employment matters among the population, raising economic knowledge among the population, conducting round table discussions.

The scientific conclusions of the thesis regarding labour and social security can be used in the management of labour market; recommendations taking into account regional peculiarities can be used by the agencies of labour of the regions, towns and districts during the elaboration of employment programs.

**Degree of embed and economic affectivity:** Propositions and recommendations given in the thesis were adopted to be used by the central administrative board for labour and social security of the population in Andijan region, central administrative board for economy of Andijan region.

**Sphere of usage:** Ministry of labour and social security, higher educational establishments.

**Тадқиқотчи:**

Áîñèøâà ðóõñàò ýòèëäè 29.04.2010. Щàæíè 1,0 áîñìà òàáí=.  
Áè÷èìè 60ð84 1/16. Áäääè 100 íóñðà. Áóþðìà 206.  
Ì.Óëó\áâê ííèäâñè ыçáâêèñòí ìèëëéе Óíéâåðñèòåðè  
И=тисодиёт факультети кичик áîñìàðñàñèäà -ñí ýòèëäè.

